



ЎЗБЕКISTON ОВОЗИ

Shu aziz VATAN — barchamizniki!

2011-yil, 31-may. Seshanba 65 (31.341) Ijtimoiy-siyosiy gazeta 1918-yil 21-iyundan chiqa boshlagan www.uzbekistonovozi.uz

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ

2011-2015 йилларда ЁЛГИЗ КЕКСАЛАР, ПЕНСИОНЕР ВА НОГИРОНЛАРНИ ИЖТИМОЙ ҲИМОЯ ҚИЛИШНИ ЯНАДА КУЧАЙТИРИШ БЎЙИЧА ҚЎШИМЧА ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА

Ёлғиз кексалар, пенсионер ва ногиронларни манзилли ижтимоий ҳимоя қилиш, уларнинг турмуш даражаси ва ҳаёт сифатини ошириш, уларни ижтимоий таъминлаш тизимини такомиллаштириш, шунингдек, тиббий-ижтимоий муассасаларнинг моддий-техник базасини муостаҳкамлаш мақсадида:

1. 2011-2015 йилларда ёлғиз кексалар, пенсионер ва ногиронларни ижтимоий ҳимоя қилиш янада кучайтириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар Дастури 1-иловага мувофиқ тасдиқлансин. Унда қуйидагилар назарда тутилди:

ёлғиз кексалар, пенсионер ва ногиронларга ижтимоий хизмат кўрсатишнинг меъёрий-ҳуқуқий базасини янада такомиллаштириш;

ёлғиз кексалар, пенсионер ва ногиронларга ижтимоий хизмат кўрсатиш тизимини такомиллаштириш, уларга кўрсатилаётган ижтимоий хизматлар турларини кенгайтириш ва сифатини ошириш;

ёлғиз кексалар, пенсионер ва ногиронларни аниқ мақсадли даволаш ва соғломлаштиришни такомиллаштириш, тиббий-ижтимоий реабилитация чораларини ва геронтология ёрдамини кучайтириш;

ёлғиз кексалар, пенсионер ва ногиронларнинг уй-жой ва маиший шароитларини янада яхшилаш, тиббий-ижтимоий муассасаларнинг моддий-техник базасини муостаҳкамлаш. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари, вазирликлар, идоралар ва бошқа ташкилотлар — мутасадди ижрочилар 2011-2015 йилларда ёлғиз кексалар, пенсионер ва ногиронларни ижтимоий ҳимоя қилиш янада кучайтириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар Дастурида кўзда тутилган тадбирларнинг ўз вақтида ва сифатли амалга оширилишини таъминласин.

2. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Ўзбекистон Республикасининг 2012-2015 йилларга мўлжалланган Давлат бюджетини шакллантиришда 2011-2015 йилларда ёлғиз кексалар, пенсионер ва ногиронларни ижтимоий ҳимоя қилиш янада кучайтириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар Дастури тадбирларини амалга оширишни молиялаш учун зарур маблағларни, ушбу мақсадларга ижрочилар ҳамда ҳомийлар маблағларини кенг жалб қилишни ҳисобга олган ҳолда, назарда тутсин.

3. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий вазирлиги, Молия вазирлиги, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари билан ҳамкорликда ҳар йили Инвестиция дастурини шакллантиришда ёлғиз кекса-

лар, пенсионер ва ногиронлар учун тиббий-ижтимоий муассасаларнинг қурилиши ва реконструкция қилинишига зарур маблағларни бюджет маблағлари ҳисобидан ҳар йили ажратиладиган капитал қўйилмаларнинг марказлаштирилган лимитлари доирасида молиялашнинг прогност хажмига биноан 2-иловага мувофиқ назарда тутсин.

Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси 2-иловада назарда тутилган объектларни қуриш ва реконструкция қилиш бўйича лойиҳа-смета ҳужжатлари экспертизасини ҳамда қурилиш-монтаж ишларининг сифатли бажарилиши устидан давлат архитектура-қурилиш назоратини белгиланган тартибда таъминласин.

4. Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги:

бир ой мuddатда манфаатдор вазирилик ва идоралар, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари билан ҳамкорликда 2011-2015 йилларда ёлғиз кексалар, пенсионер ва ногиронларни ижтимоий ҳимоя қилиш янада кучайтириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар Дастури тадбирларини амалга оширишни назарда тутувчи соҳалар бўйича ва ҳудудий дастурларни белгиланган параметрларга мувофиқ ишлаб чиқиши ва тасдиқлаишини таъминласин;

Дастурнинг мазкур қарор билан тасдиқланган тадбирларини ўз вақтида ва сифатли амалга ошириш бўйича ишларнинг мувофиқлаштирилишини таъминласин, унинг бажарилиши ва ёлғиз кексалар, пенсионер ва ногиронларни ижтимоий ҳимоя қилиш янада кучайтириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар Дастурида белгиланган тадбирлар бажарилишининг бориши ва натижалари ҳақида тахлилий ахборот киритсин.

5. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари Р.Азимов ва Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари А.Арипов зиммасига юклансин.

Буюк ва муқаддасан, мустақил Ватан!



Ўзбекистон дунёнинг ривожланган давлатлари қаторига қўшилиш, сийсий ва иқтисодий ислохотларни, мамлакатни модернизация қилиш, фуқаролик жамиятини шакллантириш, ўз фуқаролари учун муносиб турмуш шароитини яратишни ўзининг истиқболдаги муҳим вазифаси деб билади.

Ўтган ўн йил давомида 11 та перинатал марказ ташкил этилди. 2010 йилда уларда 158 минг нафардан ортиқ, яъни 2000 йилга нисбатан 10 баробар кўп она ва бола тиббий кўриқдан ўтказилди.



ЎзХДП фаоллари ташаббуси



Истиқлол бераётган имкониятлар

ЎзХДП Марказий Кенгаши Ўзбекистон тарихи давлат музейида «Буюк ва муқаддасан, мустақил Ватан!» мавзусида тадбир ташкил этди. Унда Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракциямиз аъзолари, партиямиз фаоллари, электротар вакиллари иштирок этди.

— Мустақиллик халқимизга жуда катта имкониятлар берди, — деди ЎзХДП Марказий Кенгаши раиси ўринбосари Шарбат Абдуллаева. — Бунинг исботини ҳар қайси инсон ўзи ва оиласи, яқинлари мисолида, шаҳар ва киш-лоқларимиз, мамлакатимизнинг ҳар то-

монлама ривожланиб, обод бўлиб бораётганида яққол кўриш мумкин. — Истиқлол туфайли ҳар соҳада юксак натижалар қўлга киритилиб, жамиятимиз кундан-кун ривож топаёпти, — деди халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгаши депутати, 44-оилавий

поликлиника бош шифокори Муқаддас Раҳматуллаева. — Биргина тиббиёт тизимини оладиган бўлсак, оналар ва болалар соғлигини муҳофаза қилиш, аҳоли репродуктив саломатлигини муостаҳкамлаш борасида бекиёс ишлар қилинаётми. Булар ҳаммаси мустақиллик берган имкониятлар туфайлидир. Шунингдек, тадбирда сўзга чиққанлар халқимиз онгига демократик қадриятлар, мустақиллик тафаккури тобора юксалаётганини таъкидладилар.

Гулрўх ОДАШБОВА, «Ўзбекистон овози» муҳбири.

Тинчлик ва хавфсизликни муостаҳкамлаш йўлидаги ҳамкорлик

Тошкент шаҳрида 27-28 май кунлари Шанхай ҳамкорлик ташкилоти (ШХТ) Форумининг VI мажлиси бўлиб ўтди. Унда ШХТга аъзо давлатлар миллий тадқиқот марказлари делегациялари, кузатувчи мамлакатлар экспертлари, ШХТ Котибияти ва Минтақавий аксилтеррор тузилмаси Ижроия қўмитаси ҳамда Ўзбекистондаги дипломатик корпус вакиллари иштирок этди.

Форум ШХТ фаолиятига қўмаклашиш ва уни илмий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш мақсадида тузилган кўп-томлама жамоатчилик маслаҳатлашув-эксперт механизми ҳисобланади.

Мажлис давомида форум иштирокчилари асосий эътиборни 2010 йилнинг июнь ойида Тошкент шаҳрида бўлиб ўтган ШХТ самми-

ти қўйишга қаратдилар. Шанхай ҳамкорлик ташкилотини янада ривожлантириш, Афғонистондаги вазиятни барқарорлаштириш, Ўрта Осиё минтақасида хавфсизликни таъминлаш, ўзаро манфаатли инвестицияни ва савдо-иқтисодий лойиҳаларни амалга ошириш масалалари юзасидан фикр алмашилди.

Форумда Ўзбекистон Республикасининг ташкилотга раислик давридаги фаолиятига, расмий Тошкентнинг ШХТ фаолияти самардорлигини ошириш ва халқаро майдондаги мавқени янада юксалтириш борасидаги саъй-ҳаракатларига юксак баҳо берилди. Жумладан, Ўзбекистон ШХТга раисликнинг дастлабки кунларида ноқ мазкур ташкилотни ривожлантиришнинг устуворликларини аниқ ва равшан белгиланган таъкидланди. Тошкентдаги икки томонлама маслаҳатлашувлар ва миллий мувофиқлаштирувчиларнинг мажлисида ташкилотга аъзо давлатлар вакиллари мамлакатимизнинг асосий ташаббуслари

батафсил тушунтирилди, тегишли ҳужжатларнинг лойиҳалари кўриб чиқиш учун ўз вақтида тақдим этилди. Ўзбекистоннинг ШХТ доирасида раисликни ташкил этиш борасидаги масъулиятли ва тизимли ёндашуви Тошкент саммитининг асосий ҳужжатлари — ШХТ Процедуралари қоидаларининг, ШХТга янги аъзоларни қабул қилиш тартиби тўғрисидаги низомни, ШХТ ва БМТ котибиятлари ўртасида ҳамкорлик тўғрисидаги Қўшма декларацияни ишлаб чиқиш, улар юзасидан ўзаро келишиш ва имзоланиш таъминлаш имконини берди.

(Давоми 2-бетда.)

Одамларни иш билан таъминлаш

бугунги куннинг энг долзарб вазифаларидан биридир. Аммо айрим жойларда бу масалага масъулият билан ёндашилмаётми ⇒ 2

Эътироф

Ўзбекистонда ҳам, Германияда ҳам ўзаро ҳамкорликни ривожлантириш учун имкониятлар мавжуд. Шунингдек, юртингда хорижий сармоядорлар учун барча имтиёзлар яратилган. Ўзбекистон билан бошқа соҳалар қатори сармоявий йўналишда ҳам ўзаро ҳамкорликни янада кенгайтириш ва муостаҳкамлаш тарафдоримиз. Халқароимиз ўртасидаги алоқаларни янада рабатлантириш, Германиядан Тошкент, Самарқанд, Бухоро, Хива каби гўзал, тарихий обиддаларга бой шаҳарларга саёҳатлар уюштириш, яъни туризм истиқболлари ҳам кенг.

Йоғр ХЕТЧ, Германия иқтисодийнинг Марказий Осиёдаги ваколатхонаси раҳбари.

Янгиликлар

Бахт қононаси

Деҳқонobod фуқаролик ҳолати даълолатномаларини ёзиш туман бўлими ва давлат нотариал идорасининг маъмурий биноси фойдаланишга топширилди.

Икки қаватли мазкур янги бино «Қашқадарёнефтгазуриштиш-мирлаш» очиқ акционерлик жамиятининг пудратчилари томонидан замонавий меъморчиликнинг сўнгги ютуқлари асосида бунёд этилди.

Унда туғилишни қайд қилиш, Фуқаролик ҳолатларини ёзиш архиви, нотариус ва нотариус архиви, келин-куёвлар, оила мактаби, маънавият хоналари ҳамда тантанали маросимлар зали жойлашган. Эндилда янги бинода бўлажак келин-куёвларнинг турмуш қуришлари учун зарур маслаҳатлар ва тегишли йўл-йўриқлар ҳам бериб борилади.

Абдуқоюм БЕКҚАМОВ

Оилавий бизнесни

қўллаб-қувватлаш йўлида

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Меҳнат ва ижтимоий масалалар қўмитаси томонидан ташкил этилган семинарда мамлакатимизда демократик ислохотларни чуқурлаштириш шароитида аҳолини иш билан таъминлашнинг муҳим омилли сифатида оилавий бизнесни йўлга қўйиш ва унинг ҳуқуқий асосини яратиш борасидаги ишлар муҳофама қилинди.

Семинарда ишлаб чиқилаётган «Оилавий тадбиркорлик тўғрисида»ги қонунда оилавий бизнесни юриштида тарихий тажриба билан бир қаторда оилавий корхоналар иштирокчиларининг ҳуқуқий мақомини аниқ белгилаш, уларнинг ҳуқуқлари ва бурчлари, меҳнат муносабатлари ва улар ўртасидаги даромадларни тақсимлаш, бундай корхоналарнинг мавжуд инфратузилмадан фойдаланиш имкониятларини кенгайтириш, уларни солиққа тортишининг соддалаштирилган механизминини яратиш каби масалаларни эътиборга олиш зарурлиги таъкидланди.



ЎЗБЕКISTON RESPUBLIKASI MARKAZIY BANKINING 2011 йил 31 МАЙДАН БОШЛАБ ХОРИЖИЙ ВАЛЮТАЛАРНИНГ СЎМГА НИСБАТАН БЕЛГИЛАГАН ҚИЙМАТИ

1 Австралия доллари	1822,26	1 Миср фунти	286,60	1 СДР	2714,44	10 Жанубий Корея вони	15,77
1 Англия фунт стерлинги	2807,34	1 Канада доллари	1744,65	1 Туркия лираси	1062,08	10 Япония йенаси	210,92
1 БАА дирҳами	463,94	1 Ҳингй юани	262,82	1 Швейцария франки	2002,11	1 Россия рубли	60,60
1 АҚШ доллари	1704,00	1 Малайзия ринггити	565,17	1 Евро	2404,38	1 Украина гривнаси	213,53

* Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мазкур валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмаган.

Кучли давлатдан — кучли фуқаролик жамияти сари

Концепцияда илгари сурилган таклифлар

инсон ҳуқуқи ва эркинликларини кафолатлашга хизмат қилади

Тарихан қисқа давр ичида мамлакатимизда инсон ҳуқуқи ва эркинликларини таъминлаш борасида муҳим ҳуқуқий ислоҳотлар амалга оширилди. Демократик давлат ва фуқаролик жамиятини барпо этишда бунинг аҳамияти беқийсдир.

«Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси»да мамлакатимизни демократик ислохот қилиш йўлидаги саъй-харақатларимизни кучайтириш, инсон шайни ва қадр-қиммати ҳимоясини кафолатловчи тадқиқий ислохотларни изчил давом эттиришга қаратилган қатор таклифлар илгари сурилди.

Маълумки, суднинг вазифаси, аввало, шахсга қўйилган айбловни қонуний ва асосли эканини ҳолис баҳолашдан иборат. Суд томонидан жиноят ишини қўзғатиш тартибдаги процессуал ҳаракатнинг амалга оширилиши жиноий таъқиб ва ундан келиб чиқадиган барча оқибатларнинг бошланиши ҳисобланади. Бу эса судни жиноий таъқиб ишлорқчилари тоифасига киритиб қўяди. Бундай амалиёт суднинг олий мақсади — одил судловни амалга ошириш таъминлагани мувофиқ келмайдиган.

Шунинг учун Концепцияда Жиноят процессуал кодексининг 41-бобининг тегишли моддаларидан суднинг жиноят иши қўзғатишга доир ваколатини чиқариш кўзда тутилмоқда.

Бундан ташқари, Концепцияда тезкор-қидирув фаолиятини амалга ошириш таъминлаш, асослари, шакл ва услублари, уни олиб борадиган органлар тизимини белгилаб берадиган «Тезкор-қидирув фаолияти тўғрисида» қонун қабул қилиш таклиф қилинди.

Маъмур қонун тезкор-қидирув хусусиятидаги тадбирларни ўтказишда фуқароларнинг ҳуқуқи ва эркинликларини таъминлаш, бу жараҳанда қонунийликка риоя этилишининг ҳуқуқий кафолатларини мустаҳкамлашга хизмат қилади.

Бу, ўз навбатида, жиноятлар содир этилишини ўз вақтида тўхтатиш бўлиб қолган жиноятнинг самарадорлиги, шунингдек, суриштирув ва дастлабки терговнинг сифатини оширишга ҳуқуқий шартшароит яратеди. Шунингдек, ҳуқуқий ҳимоя қилиш органлари, авваламбор, ички ишлар идораларини сотиб олиш учун сўровнома билан таъминлайди.

Таъкидлаш жоизки, «Тезкор-қидирув фаолияти тўғрисида» қонун қабул қилиш халқаро демократик андозаларга тўла мувофиқ келади.

Машқура САФАЕВА, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутаты, ЎзХДП фракцияси аъзоси.

1 июнь — Халқаро болаларни ҳимоя қилиш куни



Юртимизнинг вилоят ва туман марказларида, шаҳар ва қишлоқларида Халқаро болаларни ҳимоя қилиш куни муносибати билан маданий-маърифий тадбирлар, қизиқарли спорт мусобақалари, мусиқа-санъат фестивал-кўргазмалари ўтказилган.



Тиббиёт масканларида

Она ва болага замонавий тиббий хизмат

Сурхондарё вилоят «Она ва бола скрининг» марказида аёлларни тиббий куриқдан ўтказиш, она ва боланинг репродуктив саломатлигини ҳимоялаш борасида хайрли ишлар амалга оширилди.

Ўтган 2010 йили вилоятда тиббий текширувдан ўтказилган туғиш ёшидаги аёлларнинг маълум бир қисмида ҳар хил касалликлар борлиги аниқланди. Ва улар амбулатория ва стационар шароитларда даво-ланиб, саломатлиқларини тиклади.

Жорий йилнинг биринчи чорағида ҳам 3 минг 676 нафар ҳомилдор аёл ана шундай текширувлардан ўтказилиб, куриқдан чора-тадбирлар натижасида болаларнинг турма хасталиклар билан туғилиши кескин камайди.

Маълумки, республикамиз шифо масканларининг моддий-техник базаси такомиллаштирилиб бориляпти. Жумладан, 2010 йилнинг ўзиде мамлакатимиздаги скрининг марказлари учун 4 миллион АҚШ долларидан зиёд маблағ йўналтирилди.

Марказда чаклоқларда мавжуд касалликларни аниқлаш бўйича эҳтиёт текшируви йўлга қўйилган.

Президентимизнинг она ва бола саломатлигини муҳофаза қилиш, соғлом авлодни шакллантириш тўғрисидаги ҳамада 2009-2013 йилларда аҳолининг репродуктив саломатлигини мустаҳкамлаш, соғлом бола туғилиши, жисмоний ва маънавий баркамол авлодни воёга етказиш борасидаги ишларни янада кучайтириш ва самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари Дастури тўғрисидаги қарорлари ишмида муҳим дастуриламал бўлиб, хизмат қилмоқда.

Маълумки, репродуктив саломатлигини асраш, соғлом фарзандни дунёга келтириш, она ва бола соғлигини ҳавфли хасталиклардан ҳимоя қилишнинг кафолатидир. Шу маънода марказ ходимлари томонидан аёлларда ҳомилдорлик ва туғуруқни бехатар кечишини таъминлаш, уларга малакали тиббий ёрдам кўрсатиш сифатини яхшилашга алоҳида эътибор қаратилляпти.

Гўдакни кўпроқ кўрақ сути билан парвариш қилиш, шунингдек, исталмаган ҳомилдорлик олдини олиш, юқумли касалликлардан сақланиш, йод танқислиги ва унинг олдини олиш борасида аёллар орасида тарбиёт-ташвиқот ишлари олиб боришмоқда.

Абди ҚОДИРОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири.

Тадбиркорлик фаолияти — унга асосиз аралашига йўл қўйилмайди

Зафаробод туман давлат санитария-эпидемиология маркази врачлари Х.Бўтаев туман прокуратурасининг режа топшириғига асосан Полазов қишлоқ фуқаролар йиғини худудидеги фуқаро М.Қўшбоқовага тегишли савдо дўкониде «Давлат санитария назорати тўғрисида»ги Қонун ижроси юзасидан мониторинг ўтказиши керак эди.

прокуратурасига айбдор шахсларни жавобгарликка тортиш масаласини куриб чиқиш тўғрисида тақлиф киритилди.

Яқинда Президентимизнинг «Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили» Давлат дастурига мувофиқ ҳамда давлат ва назорат органларининг корхоналар молия-ҳўжалик фаолиятига аралашувини тубдан қисқартириш, текширишларни ташкил қилиш тизимини янада такомиллаштириш ва мансабдор шахсларнинг тадбиркорлар фаолиятига асосиз аралашуви учун жавобгарлигини кучайтиришга қаратилган фармони қабул қилинди.

Туман санитария-эпидемиология марказида тадбиркорликни ривожлантириш, тадбиркорлар ва хусусий мулк эгаларининг ҳуқуқи ва манфаатларига доир мавжуд ҳужжатлар танлов асосида ўрганиб чиқилганда, юқоридеги мисол ягона амаллиги маълум бўлди.

Вилоят адлия бошқармаси томонидан тадбиркорлик субъектларининг эркин фаолият юритишлари учун тўққинлик қилувчи бундай ҳолатларни ўз вақтида бартараф этиш юзасидан вилоят санитария-эпидемиология марказига тақдимнома юборилди.

Шухрат ТОЖИБОЕВ, Жиззах вилоят адлия бошқармаси бўлим бошлиғи.



Битирувчиларга иш ўринлари

Самарқанд ҳуқуқшунослик коллежиде ўқувчилар, уларнинг ота-оналари ҳамда иш берувчилар ўртасида учрашув бўлиб ўтди.

Жорий йилда Самарқанд ҳуқуқшунослик коллежини 515 нафар ўқувчи битиради, — дейди коллеж директори Ғайрат Бобохонов. — Уларнинг 421 нафари билан уч томонлама шартномалар тузилди.

Тадбирда Самарқанд шаҳар ҳокимлиги, вилоят фуқаролик суди, суд ишорчилари вилоят департаменти вакиллари иштирок этиб, ёшлар ва ота-оналарни қизиқтирган саволларга жавоб беришди.

Абдували ХУДОЁРОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири.

Ташкилотлар ва корхоналар раҳбарлари диққатига!

9112-сонли ҳарбий қисм

қўйидаги объект қурилиши бўйича нудратчи ташкилотни ташлаш юзасидан очик танлов савдоси ўтказилишини эълон қилади:

Сурхондарё вилояти, Термиз шаҳридаги С.Соҳибов номида кўчада бир қавалли (ёрдамчи) ҳўжалик бинолари билан бирга (қўшма) меҳмонхона биноси қурилиши.

Объектнинг бошланғич баҳоси: ҚҚС билан — 721,890 млн. сўм, ҚҚСиз — 601,575 млн. сўм. Қурилиш муддати — 5 ой. Буюртмач: 9112-сонли ҳарбий қисм.

Танлов савдорларида қатнашни учун талабдорлар қўйидаги шартларга мос келишлари шарт: танлов савдорлари предмети қўйидаги 20 фониз микродордаги айланма маблағнинг ёки қўрсатиб ўтилган маблағни беришга банк карфолатномаси, ишлаб чиқариш базалари, ишлар (ишхизматлар)ни бахариш учун зарур бўлган меҳнат ресурслари ва мутахассисларнинг мавжудлиги, етарли касбий ва техникавий малакага, молиявий имкониятларга шартнома тузиш юзасидан фуқаролик-муомила ҳуқуқий лаёқат ва ваколатларга эга, таърибли ва ишончли бўлишлари шарт.

Танлов савдосида маҳаллий эълон чоп этилгандан бошлаб 30 кундан кейин қўйидаги мажлисда: Термиз шаҳри, Амир Темир кўчаси, 69-уйда ўтказилади.

«Мунаттар Замин» РМЖ «Бозор ва истеъмолчи» ва «Замин соҳиб» газеталари жамоалари жамият директори Раҳимбади Руззобоева вольдани мухтарамаси

Иқтисодиёт ва ислохот

Мижозларнинг ишончли ҳамкори

Самарқанд вилоятидаги «Ипак йўли» ОАИТБнинг «Умар» минтақавий филиали ўз фаолият доирасини кенгайтира бориб, аҳоли, ҳўжалик субъектлари ҳамда кичик бизнес вакилларини молиявий эҳтиёжини қондириш борасида қўллаб хизмат турларини жорий этиб келмоқда.

Минтақавий филиалимиз миждозлари 2009 йилда 102067 таши ташил этган бўлса, хозирги кунга келиб улар сони 203965 тага етди. Шу билан бирга, филиалимизнинг 19 та минибанклари аҳолига хизмат кўрсатмоқда, — дейди филиал бошқарувчисининг ўринбосари Хирожиддин Сирожкулов.

«БОСС-ГДД» фермер ҳўжалиғи ҳам ўз фаолиятини янада кенгайтириш ва аҳолининг балиқ маҳсулотларига бўлган эҳтиёжини қондириш мақсадида филиалдан 15 миллион сўм кредит олди.

«Маҳаллий ноозиқ-овқат истеъмоли товарлари ишлаб чиқаришни кенгайтириш мақсадида филиал томонидан тадбиркорларга 2 миллиард 640,5 миллион сўм микродориде кредитлар ажратилган ва кредитлар қолдиғи эса 2 миллиард 127 миллион сўмдан ошган.

Президентимизнинг тижорат банклари депозитарига аҳоли ва ҳўжалик субъектлари бўш пул маблағларини жалб этиш тўғрисидаги қарорининг ижросини таъминлаш мақсадида вилоят аҳолисида жорий йилнинг 1 апрель ҳолатига кўра жалб қилинган омонатлар микдори 7 миллиард 482,7 миллион сўмни ташкил этган. Бу ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 1 миллиард 676 миллион сўмга кўлди.

Бундан ташқари, Президентимизнинг озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кенгайтириш ва ички бозорини тўлдирishi тўғрисидаги қарори ижроси борасида амалга оширилётган ишлар, аҳоли дастурхони тўқилишини таъминлаш ҳамда иш ўринларини кенгайтиришга хизмат қилмоқда.


«Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили» деб эълон қилиниши барча соҳалар қаторида молия муассасаси ҳисобланган филиал жамоасига ҳам қатта масъулият юклади. Шундан келиб чиқиб, тадбиркорлар, айниқса, ёш ишбилармонларнинг бизнес лойиҳаларини молиявий қўллаб-қувватлаш орқали жойларда ишлаб чиқариш соҳасини янада ривожлантиришни ўз олдиларига мақсад қилиб қўйишган.

Таштемир ХУДОЙҚУЛОВ

Спорт

Ришод Собиров яна голиб

Москвада дзюдо бўйича мукофот жамгармаси 150 минг АҚШ доллари бўлган гран-при мусобақаси ниҳоясига етди. Унда таниқли дзюдочимиз Ришод Собиров яна шохсупанинг юқори поғонасига кўтарилди.



Мусобақа низомига кўра, юқори ўринларни эгаллаган спортчилар Лондон олимпиада-си учун рейтинг очколари тўплайди. Шу боис мусобақадда 43 давлатдан 450 нафардан зиёд кучли дзюдочилар кураш олиб боришди. Ришод қатнашган 60 кг вазнда ҳам сара дзюдочилар тўпланди. Ҳамюртимиз ўттиш мусобақаларида, рақибларини ажойиб маҳорат кўрсатиб енгди. Япониялик дзюдочини ярим финалда, Франциялик спортчини финалда мағлуб этиб, ўз ҳисобига Лондон олимпиадаси учун 300 очко ёзилишига эришди.

100 кг вазнда беллашган Рамзиддин Саидов ва 100 кг дан ортиқ вазнда курашган Абдулла Тангриев эса бронза медаллари билан қифояланди. Уларнинг ҳар бирига 120 тдан рейтинг очколари ёзилди. Ушбу мусобақадда қатнашган Наврўз Журақобидов (74 кг) 5-ўринни эгаллади ва ўз ҳисобига Лондон олимпиадаси учун 60 рейтинг очкоси қўшиб қўйди.

Енгил атлетикачиларимиз ғалабаси

Хитойнинг Куньшан шаҳрида енгил атлетика бўйича халқаро мусобақа бўлиб ўтди.

Унда ҳамюртларимиздан Гўзал Хуббиева 100 метр масофага югуришда, Светлана Радзивиць баландликка сакраш мусобақасида олтин медал билан тақдирланди. Анна Сидорова 800 метр масофага югуришда, Александра Котлярова уч хатлаб сакрашда кумуш медалга сазовор бўлди. Уч хатлаб сакраш мусобақасида қатнашган яна бир спортчимиз Анастасия Журавлева эса бронза медал билан қаноатланди.

Ўзинчи турда...

Футбол бўйича мамлакатимиз 20-миллий чемпионати 10-турининг бешта учрашуви ўтказилди.

«Қизилқум» — «Динамо» — 2:1, «Бухоро» — «Машъал» — 2:0, «Сўғдиёна» — «Навбахор» — 3:2, «Нефтчи» — «Андижон» — 3:0, «Насаф» — «Металлург» — 2:0. Шу турнинг «Пахтакор» — «Бунёдкор» ва «Олмалик» — «Шўртан» учрашувлари кечиктирилди. Чемпионатда «Бунёдкор» клуби 25 очко билан яқка пешқадамлик қилмоқда.

«Улкан тож» ҳаяжонлари

Парижда теннис бўйича бўлиб ўтаётган «Улкан тож» туркумидаги Франция очик чемпионати — Ролан Гаррос мусобақалари қизгин паллага кирди.

Ҳамюртимиз Денис Истомин яккалик бахсларининг 1-босқичида мағлубиятга учрагани. Лекин у қозғондилик Андрей Голубов билан ҳамкорликда жуфтлик бахсларининг икки босқичидан муваффақиятли ўтди. Аёллар яккалик мусобақаларида қатнашган ҳамюртимиз Окгул Омонмуродова ҳам 1-босқичдаёқ енгилди. У ҳам жуфтлик бахсларида иштирок этапти.

18 ёшгача бўлган қизлар мусобақасида қатнашаётган ҳамюртимиз Сабина Шарипова 1-босқичдан ўтди ва у 2-босқичда россиялик теннисчига қарши кортга чиқади. Мусобақа 5 июнда ниҳоясига етади.

ДИҚҚАТ, ТАНЛОВ!

Ўзбекистон Республикаси Бадий академияси ўзбек адабиётининг атоқли намояндalари — Ўзбекистон Қаҳрамони, Ўзбекистон халқ ёзувчиси Саид Аҳмад ва унинг умр йўлдоши, таниқли шоира Саида Зуннунова хотирасини абадийлаштириш учун Тошкент шаҳрида ўрнатиладиган ҳайкал-композиция лойиҳасини яратиш бўйича танлов эълон қилади.

Танлов шартлари:

собиқ мустабид тузум давридаги қийинчилик ва машаққатлар, ҳижрон ва айрилиқ азоб-ларига қарамадан, вафо ва садоқат намунасини кўрсатиб, оғир синовларда тобланиб, гўзал бадий асарлари орқали халқимизга хос инсонийлик, сабр-бардош ва меҳр-оқибат фазилатларига ўз шахсий ҳаётларида амал қилиб, бу туйғуларни бетакрор асарларида юксак пардаларда тараннум этиб яшаган бу икки ҳассос ижодкорнинг сиймосини таъсирчан бадий-эстетик, руҳий-фалса-

фий воситалар, тасвирий усуллар орқали ифода этиш талаб қилинади; танловда Ўзбекистон Республикаси фуқароси бўлган барча профессионал ҳайкалтарошлар қатнашиши мумкин; лойиҳа эскизларининг ўлчами ва унинг қандай материалдан тайёрланиши муаллиф ихтиёрига ҳавола қилинади; танлов ҳайъати томонидан голиб деб топилган энг яхши лойиҳа муаллифига мазкур ҳайкал-композицияни яратиш устидан ишлаш ҳуқуқи берилади.

Керамик маълумотларни Ўзбекистон Бадий академиясидан олиш мумкин. Манзил: Тошкент шаҳри, Ш.Рашидов кўчаси, 40. Тел: 256-34-07.



Чирой очаётган, яшнаётган, ёшараётган Андижон

Андижон шаҳридаги «Ўзбекистон» кўчаси бутунлай янгидан бунёд этилди. Бир-бирдан чиройли бетакрор, кўркам биноларнинг пастки қаватларидан савдо ва ишлаб чиқариш корхоналари ўрин олган бўлса, юқориси аҳоли истиқомат қилишига мўлжалланган.



Боғ арқидан таралаётган қарнай-сурий сабзлари барчани байрамга чорлади. Алишер Навоий номи маданият ва истироҳат боғида «Ободлик кўнглидан бошланади» ширин остида тақис этилган «Ўзбекистон» кўчаси очилишига бағишланган тадбир гуллар байрами кўрик-таълиқ билан бошланди. Гул ўстириб уй, кўча, хайбонларни, дилларни обод қилганлар меҳнати ишарафланди.

Раҳматуллаев чизган «Андижоним — дўза ишарим», деб номланган расмда Андижоннинг равои кўчалари, осмонлар янги бинолари, дунё андозасидаги автомобиллари ифодаланган. — Байрамнинг дарганини эшитиб, бу ера келавердик, — дейди пахтаободлик Абдулҳад Абдулҳаев. — Қирғ йилдан ортик транспорт соҳасида ишладим. Ҳозир кексаллик шаштини сурашман. Уч ўғил, бир қиз, 17 нафар невар бағримизда. Юртимиз равнақи, фарзандлар бахту иқболлини кўриб, Яратанга шукрона айтмазим.

Аҳмадилло СОЛИЕВ, «Ўзбекистон овози» мухбири.

Спорт

Бутунжаҳон Олимпия кунига бағишланди

1894 йил 23 июнь Халқаро Олимпия кўмитаси ташкил топган кун сифатида тарихдан жой олган. Халқаро Олимпия кўмитасининг 1948 йилда Санкт-Мориц (Швейцария) шаҳрида бўлиб ўтган 48-сессиясида ана шу санани ҳар йили дунё бўйлаб Бутунжаҳон Олимпия кунини сифатида кенг нишонлашга қарор қилинган.



Куни кеча МОҚ ташаббуси билан Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий боғида Бутунжаҳон Олимпия кунига бағишлаб анъанавий югуриш мусобақалари ўтказилди. Ўн тўққизинчи маротаба уюштирилган мазкур тадбирда Олимпия кунига бағишлаб анъанавий югуриш мусобақалари ўтказилди. Ўн тўққизинчи маротаба уюштирилган мазкур тадбирда мингдан зиёд турли ёшдаги

профессионал ва ҳаваскор спортчилар голиблик учун баҳс юриштиришди. Мусобақа дастурига кўра, иштирокчилар йигирма битта ёш гуруҳида — 0,3 миля (536 метр), 0,5 миля (804 метр), 1 миля (1609 метр) масофаларга югуриш бўйича ўз имкониятларини сынаб кўришди.

— Ҳаёт ҳаракатдан иборат, — дейди қаршилиқ Қодринисо Холбошорова. — Югуриш ва бадантарбия билан мунтазам шуғулланман. Шу тўғрисида доимо тетик ва хушчақчақман. Беш йилдан бери Олимпия кунини муносабати билан ўтадиган мусобақаларда иштирок этман. Уч йилдирки, 46-54 ёшли иштирокчилар баҳсида голибликни ҳеч кимга бермай келяпман. Бу гал ҳам маррага биринчи бўлиб етиб келганимдан бахтиёрман. Эйтиборимси, ушбу баҳсларда жисмоний имконияти чеklangанлар ҳам майдонга чиқибди. Жумладан, улар ўртасида кенган мусобақадан пойтахтлик Убайдулло Имомқулов беш соврин соҳиби бўлди. Мусобақа якунида барча қатнашчилар Миллий Олимпия кўмитаси ва ҳомийлар томонидан таъсис этилган махсус эсдалик совғалари билан тақдирланди. (Ўз мухбиримиз).

Ободончилик

Адирдаги боғлар

Чиял — Чироқчи туманидаги йирик чорвачилик ва галлачиликка ихтисослашган хўжалик хисобланади. Унинг қир-адирлари яна бир катта Кўкдала хўжалиги билан туташиб кетган. Суғориладиган майдонлар жуда оз, асосий майдон — лалмикор. Чироқчи тумани ҳокими ана шу адирларда боғлар яратаямиз, деганида, кўнглимда бориб кўриш ҳаваси кўзгалди.

Туман тадбиркорларни рўйхатга олиш инспекцияси раҳбари Шухратжон Усанов билан Чиялга етиб келдик. Қирларнинг ёнбағирлари, адирлар бағрида дарахтлар яшнаб, кўкариб турибди.

Чайир бир йигит мева дарахтлари оралаб тортилган ариқдан сув тараётган экан. Танишдик Чори Хўжанов, боғбон экан. Уч фарзанди бор. Умр йўлдоши гилам тўқиркан. Ўзи деҳқончилик, боғбонликка ёшлиқдан меҳр қўйибди. Томорқасида турли сабзавот маҳсулотлари ўстираркан. У бир неча йилдан бўён адирларда плёнка остида эртаги тарвуз етиштиришга кўпчилик қўл ураётгани, айрим оилаларда шу орқали 10-15 миллион, ҳатто ундан кўп даромад олаётгани ҳақида ҳикоя қилди. Бу адирдаги боғлар «Ойбек-Шербек» фермер хўжалигига тегишли экан.

Илхом Ҳотамов ўттиз саккиз ёшда, тадбиркорликка қўл урибди. Унга адирлар бағридан 7 гектар ер ажратиб беришди.

— Мен туғилиб ўсган қишлоқ собиқ «Кўкдала» ширкати таркибида эди, — дейди Илхомжон. — Ёшлиқдан чорвани, бугдойни кўриб ўсганимиз. Чорва кўп бўлгач, дарахтни сақлаб қолиш осон эмас. Хуллас, кўп ўйлагач шу адирларда бир боғ яратайлик, деб ният қилдим. Шредер номидаги Ўзбекистон боғдорчилик, узумчилик ва виночилик илмий-тадқиқот институти Самарқанд филиалидан эрташарш олқури кўчатларини сотиб олдик. Филиал агрономларининг ўзи келиб, кўчатларни ўтқизишни кўрсатишди. Озиқлантириш, суғориш тартиблари билан таништиришди. Келаси йилдан боғимиз нишонга бериб, ҳосилга қиради.

— Иккисиди қишлоқ хўжалигига боғлик Чироқчида бу боғлар янгилик, — дейди Шухратжон Усанов. — Бундай боғлар ҳозир 45 гектардан ошди. Суғориладиган майдонларда 700-800 гектар боғ барпо этилган. Очиги, кейинги йилларда бу соҳага катта эътибор берилаяпти. Тадбиркорлар боғлар барпо этишга қўл уришмоқда.

Боғ ўз-ўзидан ўсиб қолмайди. Жорий йилда вилоятда янгидан 2589 гектар боғ, 1573 гектар тоқзор яратилди. Адирлардаги боғлар эртага мева бериши одамлар дастурхонини тўқин қилишига ишонамиз.

Юнус УЗОҚОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири.

ОБ-ҲАВО 31-01.05-06. 2011

Table with columns: OB-ҲАВО, БУГУН, ЭРТАГА. Lists weather forecasts for various cities including Toshkent, Samarkand, Nukus, Karshi, Urganch, Navoiy, Fergana, Bukhoro, Andijon, Namangan, Termez, Jizzax, Gulistan, Toshkent vil., London, Parij, Moskva, Madrid, Pekin, Hongkong, Rim, Anqara, Tokio, Stokgol'm, Keytптаун, Қоҳира, Гаваиа, Вашингтон.

MUASSIS: XDP O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI

Bosh muharrir: Safar OSTONOV. Tahrir hay'ati: Abdulla ORIPOV, Latif G'ULOMOV, Bobir ALIMOV, Sharbat ABDULLAYEVA, Murodulla ABDULLAYEV, Ulug'bek MUSTAFOYEV, Tat'yana KISTANOVA, G'affer HOTAMOV, Muslihidin MUHIDDINOV, Ochiilboy RAMATOV, Saidahmad RAHIMOV.

BO'LIMLAR: Partiya hayoti, Ijtimoiy hayot va iqtisodiyot, Jamoatchilik bilan aloqalar va huquqiy targ'ibot, Reklama va e'lonlar, Kotibiyat. Manzilimiz: 100000, Toshkent, Matbuotchilar ko'chasi, 32-uy. Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0006-raqam bilan 2007-yil 11-yanvarda ro'yxatga olingan.

Gazeta seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi. «O'zbekiston ovozi» materiallarini ko'chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi. e-mail: info@uzbekistonovozi.uz. F — 549, 18528 nusxada bosildi. Soluvda erkin narxda.

Navbatchi: To'liq TO'RXONOV. Sahifalovchi-dasturchilar: Sobirjon TUNG'ATOV, Zafar BAKIROV. ISSN 2010-7633. 1 2 3 4 5